

СИНФ РАҲБАРИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ РОЛИ

Бахитгул Арзиева

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ, мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти, синф раҳбарларининг хизмати, қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун моҳияти ҳақида сўз этилган.

Калит сўзлар: Конституция, жамият, стратегия, фармон, ҳуқуқ, маданият, концепция, қонун, таълим, одоб, ахлоқ, тарбия, мактаб.

Аннотация: В данной статье говорится о развитии правовой культуры школьников, значении работы в этой сфере, службе классных руководителей, содержании принимаемых нормативных документов.

Ключевые слова: Конституция, общество, стратегия, декрет, закон, культура, концепция, закон, образование, нравы, нравы, образование, школа.

Abstract: This article talks about the development of the legal culture of schoolchildren, the importance of work in this field, the service of class leaders, and the content of the adopted normative documents.

Key words: Constitution, society, strategy, decree, law, culture, concept, law, education, manners, morals, education, school.

Синф раҳбари ўз синфидаги ўқувчиларнинг таълим бевосита таълим-тарбия жараёни, яъни дарслар давомидаги ҳамда дарсдан кейинга фаолиятни назорат қилишга маъсулдир. Синф раҳбари синфидаги барча ўқувчиларни лаёқати ва қизиқишига қараб тўғаракларга жалб этиши керак. Синф раҳбарлиги одатда синф жамоаси ва ўқувчиларни алоҳида-алоҳида ўрганишдан бошланади. Синф раҳбари ўз ўқувчисини доимо ўрганиб бориши учун фан ўқитувчилари ва ота оналар билан ҳамкорлик қилиши лозим [3;67в].

Демак, синф раҳбари – муайян синфга бириктирилиб мазкур синф ўқувчилари жамоаси билан таълим-тарбиявий ишлар олиб борадиган ўқитувчи.

Ўзбекистон Республикасида синф раҳбарларининг хизматини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирини 2021 йил 22 февральдаги 44-сонли буйруғи асосида Умумий ўрта таълим муассасининг синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом тасдиқланган. Синф раҳбарларининг фаолияти ушбу Низом талаблари асосида тартибга солинган. Мазкур Низомнинг иккинчи бобида синф раҳбарларининг вазифалари ва функциялари ҳамда ўқитувчиларнинг ўқувчиларни маънавий ахлоқий ҳуқуқий жиҳатдан табиалашга оид қўйидаги ишларни амалга оширишлари назарда тутилган

Қўйидагилар синф раҳбарларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

таълим муассасининг тарбиявий тизимдаги таянч педагоглардан бири сифатида ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг амалда белгиланган таълим ва тарбия олишларини ташкил этиш;

одоб-ахлоқ ички тартиб қоидаларига мувофиқ муомала ва кийиниш маданиятига қартиан амал қилиш, жамоада намунали бўлиш;

ўқувчиларни ўсиб-улғайишларини педагогик кузатувлар асосида назорат қилиш, ёрдамга муҳтож ўқувчиларга яқка ҳолда ёндашиш асосида улар қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик, ташаббускорлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, меҳр-мурувват, масъулият, ишбилармонлик каби хислатларни уйғотиш;

синф ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий тарбиясини ташкил этишда ўқитувчилар, ёшлар етакчиси, психолог, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, таълим муассасаси раҳбарияти орқали вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, маҳалла, ҳуқуқ-тарғибот идоралари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш.

Синф раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариш мумкин.

Синф рабарлари ўзларига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ҳар томонлама етук, баркамол – маънавий, ақлий, жисмоний ривожланган шахс тарбиясини амалга ошириш, синф ўқувчиларининг қобилиятини тўлиқ намоён этишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

педагогик ва ўқувчилар жамоаси ҳамкорлигида тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларига қараб ёндашишни йўлга қўйиш;

эрталабки сафланишларда синф ўқувчиларининг белгиланган тартибда тўлиқ иштирок этишларини таъминлаш;

бириктирилган синф хонасидаги мавжуд жиҳозларнинг сақланишини ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш.

Синф раҳбарлари ўз фаолиятини ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, умумий ривожланиш даражаси ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий ишлар ва аниқ мезонлар асосида ташкил этади.

Жумладан:

А) Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўналишида:

ўқувчиларни Ватани ва халқига садоқат, фидойилик, Давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялаш;

ўқувчилар онгига буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш, юртимиздги бунёдкорлик ишлари, иншоотлар ва маърифат масканлари билан таништириб бориш;

синфда ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳитини яратиш, тарбия жараёнига бой маданий меросимиз, миллий одоб-ахлоқ меъёрларини тадбиқ этиш, меҳнатга ижодий муносабатини тарбиялаш;

ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни жамиятда ўз ўрнини топа оладиган шахс сифатида шаклланишлари учун зарур кўникмаларни ривожлантириш;

ўқувчиларни ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган ва уларга риоя қиладиган инсон сифатида тарбиялаш.

Кўриниб турибдики синф раҳбарлари ўқувчиларнинг биркамол шахс сифатида шаклланишлари учун асосий масъул шахс ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Янги Ўзбекистон мактаб останасидан бошланади” деган шиорни илгари суриб қўйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаган эди. Мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошланган ишларимизни янги босқичга кўтарамиз. Юртимизда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги замонавий ихтисослаштирилган мактаблар тизимини яратиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилади [2; 226в].

Шу ўринда бевосита ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга ва синф раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган миллий меъёрий-ҳуқуқий асослар ҳам яратилди.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғриси”ги Фармони;

5. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва ҳақоза.

Синф раҳбарлари педагогик жамоа аъзолари ва ота-оналар билан биргаликда ишлайди. У белгиланган ҳуқуқий ахлоқий меъёрларни ўқувчилар онгига етказишда муҳим ўрин эгаллайди. Бошланғич синф ўқувчиларига табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ мавзуларни кўпроқ ўтиш зарур, уларга табиат ҳодисалари, одамларнинг табиатдан ақилона фойдаланиш тартибини бузиш ҳолатлари билан боғлиқ ҳолда, табиатни асраш ҳар биримизнинг Конституциявий бурчимиз эканлигини тушунтириш керак.

Синф раҳбарларини танлашда ва синфларга бириктиришда уларнинг иш тажрибаси, сиёсий, ҳуқуқий ва касбий билимдонлигини педагогик маҳоратини аниқ ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланган адабиётлар тизими:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т..2019й
2. Ш.Мирзиеёв янги Ўзбекистон стратегияси. Т..2021й. 226 в.
3. Педагогика энциклопедия II жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент-2015. 67б.